

ИСОҚЖОН НИШОНОВ

4

# АФҒОН ШАМОЛИ

ҚАҲРАМОН



ИСОҚЖОН НИШОНОВ

# АФҒОН ШАМОЛИ

**ҚАҲРАМОНЛИК**

Тўртинчи китоб



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ТОШКЕНТ

2016

**УЎК: 821.512.133-31**

**КБК: 84(5Ў)7**

**Н – 69**

**Нишонов, Исоқжон**

Афғон шамоли: роман. Қаҳрамонлик. Тўртинчи китоб. Исоқжон Нишонов. Тўлдирилган қайта нашри. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 224 б.

ISBN 978-9943-27-815-8

Исоқжон Нишонов қаламига мансуб «Афғон шамоли» романининг навбатдаги қисмида Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларидан бошлаб Марказий Осиё, Афғонистон, Қирғизистон, Туркия, Россия ва бошқа мамлакатлар ҳудудларида фаолият олиб борган террорчи гуруҳларга қарши олиб борган кураши акс этган.

Ушбу ўткир сюжетли саргузашт роман Бўрон исмли ўзбек разведкачисининг қаҳрамонликларини хикоя қилади. Эргаш, Қамбар, мулла Умар каби жиний тўдаларни бошқараётган кимсаларнинг манфур мақсадлари йўлида ҳеч нарсадан тап тортмасликлари ўқувчида уларга нисбатан чексиз нафрат туйғусини уйғотади. Ватаннинг ҳар қарич ери нақадар буюк эканлигини, Ватанга хиёнат аслида ўзлигинга хиёнат эканлигини теранроқ хис қиласан.

**УЎК: 821.512.133-31**

**КБК: 84(5Ў)7**

ISBN 978-9943-27-815-8

© Исоқжон Нишонов, «Афғон шамоли». Тўртинчи китоб. «Наманган», 2013 йил.

© Исоқжон Нишонов, «Афғон шамоли». Тўртинчи китоб. «Янги аср авлоди», 2016 йил.

## САМАНГАН

Судьянинг ўлими юрагини зулмат босган Эргаш учун байрамга айланди. У яна бир ғанимидан ўч олганидан мамнун эди. Зудлик билан раҳнамоларини бу янгиликдан хабардор қилишга ошиқди. Бундай хушхабар учун улар каттагина чойчақа тўлашарди.

– Баракалла, Эргашбой, сиз ўзингизни ҳали нима-ларга қодир эканлигингизни кўп кўрсатасиз! – деди раҳнамо хушхабарни эшитиб. – Одамларим икки қоп гуруч, битта қўй ташлаб қўйишади. Менинг ҳисобимдан йигитларингизга зиёфат беринг!

– Марҳаматингиздан бошим осмонга етди, – ялтоқланди Эргаш. – Ўйлайманки, йигитларим сизнинг бу совғангизни хурсандчилик билан қабул этиб, хақингизга дуо қилишади.

– Буни совға, деб ўйламанг, иним, – деди Абдуллоҳ. – Йигитларингизни кийинтириш, озик-овқат билан таъминлаш каминанинг бурчидир! Совға эса алоҳида юборилади.

– Бизга бирни берсангиз, сизга Аллоҳ юзни берсин, оға!

– Сизга нозик бир гапни айтмоқчиман, Эргашбой.

– Қулоғим сизда, оға! Амрингизга қулингизнинг жони қурбон.

– Гапимни буйруқ, деб ўйламанг, жаноб Эргашбой, – Абдуллоҳ атайин сукут ичида қолди. Кейин мулойим, бироқ аламли оҳангда гапида давом этди:

– Сиз бизнинг энг яқин дўстимиз, ҳам биродаримиз-сиз. Сизга отилган данакдай тош бизнинг юрагимизни парчалайди. Оёғингизга зирапча кирса, вужудимиз зирқирайди.

Бу ҳамд-у санодан Эргашнинг кўнгли ийиб кетди.

– Албатта, албатта, – деди шошиб.

– Одамларим куни кеча қўлимга рўзнома ташлаб кетишди. Салкам икки бетда сиз ҳақингизда аччиқ ва аламли сўзлар битилган. Сизни ифвогар, юрт хоини, босқинчи ва қароқчига чиқариб қўйишган. Ўқиб, бетоқат бўлдим.

– Рўзнома қўлингиздами? – Эргашнинг овози қалтираб чиқди.

– Сизга жўнатмоқчи эдим, аммо яқин дўстларим ўша рўзнома билан қизиқиб қолишгани боис уларга юбордим.

– Тухматни ким битибди? – сўради руҳи тушиб кетган тўдабоши.

– Андак сабр қилинг, – деди Абдуллоҳ. Бир муддатдан сўнг муаллифнинг исмини баён қилди: – Илм даргоҳининг профессори Фарҳод Жамол экан.

Эргаш қанчалик бош қотирмасин, бундай исмли одамни эслай олмади. Абдуллоҳ бу хабарни бўрттириб ва айни дамда ёлғон айтишидан муроди ўзгача эди. Аслида мақола Эргаш ҳақида эмас, балки ўзи бошчилик қилаётган оқим тўғрисида эди. Унинг кўнгли мақола муаллифидан Эргашнинг қўли билан ўч олиш эди.

– Сиз уни танидингизми? – сўради Абдуллоҳ Эргашнинг жим қолганидан хавотирланиб.

– Афсус, танимадим, устоз, аммо мен юртга борганимда унинг бўҳтон ёзган қўлларини синдириб, тирноқларини суғуриб, бармоқларида данак чақаман!

– Иним, Эргашбой, муддатни чўзманг! Сиздек шер йигитга бу ярашмайди. Юртда анча одамларингиз оғ-

зингизга, ишорангизга маҳтал туришибди. Лабингизни қимирлатсангиз, бас.

– Йўл кўрсатинг, оға.

– Одамларингизга буюринг, рўзнома чиқарадиган идорани ўраб олишсин, ўша тухматчи, ифвогар ёзувчини ернинг остидан бўлса ҳам топиб, мақола ёзгани учун айнан шу рўзномада сиздан кечирим сўрасин!

– Ҳақ йўлни кўрсатдингиз, оға, – Абдуллохнинг маслаҳати тўдабошига маъқул бўлди. – Мен ҳозирок одамларимга хабарни етказаман. Улар, албатта эртагаёқ газета идораси олдида ғалаён кўтаришади.

– Бўш келманг, иним, бўш келманг! – деди муроди-га етган Абдуллох. – Улар сизнинг кимлигингизни ва нималарга қодирлигингизни билиб қўйишсин!

Эргаш зудлик билан Қамбарга хабар йўллади.

– Одамларимизга айт, эрталаб шаҳар газета идораси олдида тўпланишсин. Намойиш ўтказинглар, биз тўғримизда мақола ёзган одамни топиб, кечирим сўрашга мажбур қилинглар!

Қамбар топшириқни бажаришга сўз берди. Эрталаб шаҳар газетасининг биноси олдида элликка яқин одам жамланди. Аммо улар нимани талаб қилишни билишмасди. Ўзларича бақириб-чақиришарди. Мухими, ўзларини одамлар кўзига адолатпарвар кишилар қилиб кўрсатишга уринишарди. Бироқ Қамбарнинг тўдасига четдан ҳеч ким келиб қўшилмади. Ўтган-кетганлар нафрат билан қараб қўйишди.

Эргаш кечки пайт хонасидан чиқмай, радиотўлқинларини ўзи эшитиб турадиган каналга тўғрилади. Янгиликларда шаҳар газетасининг биноси олдида элликка яқин намойишчи тўпланиб, Фарход Жамол исмли муаллиф томонидан ёзилган мақолага эътироз билдиришганини, шаҳар прокурори эса намойишчилардан уч нафарини безорилик қилиб, газета биносининг

деразаларини синдиргани учун қамоққа олиш ҳақида санкция берганини айтиб ўтди. Бу хабарни Абдуллох ҳам эшитганди. Унга шу керак эди. Эргашнинг қўнғироғини кутмай ўзи унга яна сим қоқди.

– Хабарингиз бўлдим, Эргашбой, – деди у аянчли овозда, – прокурор одамларингиздан икки-учтасини қамоққа тиқибди. Бу қандай адолатсизлик! Мен тоқат қилолмаяпман. Ахир улар адолатни ва ҳақиқатни ҳимоя қилишди-ку! Шундай эмасми, иним?

Эргаш хабардан ташвишга тушмади. Муҳими, унинг одамлари топшириғини бажаришганидан мамнун эди.

– Бу менинг ғалабам, оға. Юртда бўлмасам ҳам тарафкашларим гапимни ерда қолдиришмади. Уларга имкон қадар тўполон қўтармасликларини тайинлагандим. Бир-иккита қони қайноқлари ноҳақликка чидамай қизишиб кетибди. Наридан борса, уларни ўн беш кунга қамайди ёки етказилган зарарни ундириб олишади.

– Сиз маҳаллий ҳукумат вакилларини бундан ҳам қаттиқроқ ваҳимага солишингизга ишонардим, иним. Лекин одамларингизни қамоққа олишга санкция берган прокурор жазосиз қолиши мумкин эмас. Темирни қизигида босинг! Жазоланг уни. Ўйлайманки, сизнинг қўлингиздан келади бу иш!

Эргаш бу мақтовдан талтайиб кетди.

– Доно маслаҳатларингиз билан каминанинг ўрганган қўнғилини хушнуд этдингиз, оға. Мен масаланинг иккинчи томонини ўйлаб қўрмабман. Дарҳақиқат, прокурорни жазосиз қолдирсак, бошқа одамларимизни ҳам қамоққа тиқади эртага.

– Баракалла. Бу ишни пайсалга солманг! Менинг прокурорда адоватим йўқ, унинг кимлигини билмайман ҳам, аммо уч нафар йигитингизнинг авахтада ётиши сиздек шер йигитга ярашмайди.

– Албатта...

– Гарчи ўртамиздаги масофа олис бўлса-да, гапларингиздан қаттиқ изтироб чекаётганингиз сезилиб турибди.

Абдуллоҳнинг мақсадини тушунмаган Эргаш бу гапни ўзига нисбатан ачиниш ва меҳрибонлик ўрнида қабул қилди.

– Бир ҳафта ичида ўша ярамаснинг бошига ит азобини соламан! Уйига ўт қўяман. Йигитларим уларни шундай жазолайдики, онасининг қорнидан тушганига минг карра пушаймон бўлади. Керак бўлса, дунё аҳли олдида одамларимни ноҳақ қамаганини, адолатсизлик қилганини, йигитларим қонунни бузмаганини айтиб, кечирим сўрайди, тавба қилади!

– Гапларингизни тинглаб, баданим жимирлаб кетди, иним Эргашбой. Қани энди, сафимизда сиз каби ўз йигитларига жонини фидо қиладиган мард бошлиқлар кўп бўлса. Баракалла! – олқишлади Абдуллоҳ. – Мен сизнинг бу ишларингиз тўғрисида Амирий жанобларини хабардор қиламан!

– Қуллук, оға!

Эртаси куни Эргаш Қамбарга иккинчи топшириқни берди.

– «Сим» операцияси амалга оширилсин!

## ЮРТДА

Барно ваъда қилинган пулнинг қолган қисмидан умидвор эди. Ўша тун судьянинг хонасидан чиқиб кетди-ю, бироқ унинг ўлиб қолишини хаёлига келтирмаганди. Уйига боргунча Қамбарнинг одами: «Топшириқ нега бажарилмади?» деб сўраса, не дейман, деган совуқ саволга жавоб тополмади. Эрта ўтиб, индинга яна судьяга учрашишга қарор қилди. Бунгача топшириқ берган кимсага қўринмасликка қарор қилди. Кеч-



ки пайт маҳаллий телевидениеда суд раисининг вафот этганлигини эшитгандан сўнг миясини оғритган саволлар юки елкасидан кулади.

Эрталаб айтилган манзилга борди, аммо ваъда берган одам келмади. Пул қизнинг юрагига тинчлик бермасди. Шу сабабли эртасига яна ўша манзилга келди.

Қамбарнинг одами Барнони кўздан қочирмаганди. Унга сездирмай изидан соядек эргашиб юрарди. Кунларнинг бирида бола кўтарган аёл ёнига келиб, садақа сўради:

– Яхши-ёмон тушга садақа, деганлар, хайр қилинг, синглим!

Барно сочларига тароқ тегмаган, кўйлагининг тугмалари узилиб, офтоб уриб қорайган тўши кўриниб турган тиланчининг раъйини қайтармади. Сумкасидан юз сўмлик олиб узатди.

– Илоҳим, муродингизга етинг, синглим, – дуо қилди аёл. Бирдан Барно хушёр тортди. Унинг овози қулоғига таниш туюлди. Тиланчи йўл четида кетиб борарди. Қиз унинг ортидан қараб қолди. Икки-уч дақиқа ўтиб, ёнига ўспирин йигит келди.

– Кечки пайт олдингизга одамларимиздан бири келади.

– Сиз кимсиз? – нотаниш кимсанинг сўзини бўлди қиз.

– Бунинг аҳамияти йўқ.

– Мен қаерда турай?

– Шу ерда!

Нотаниш кимса бошқа гапирмади. Ўзини одамлар ичига уриб, кўздан йўқолди.

Барно кечки пайт айтилган жойга келди. Кўп кутмади. Олдига сариқ «Жигули» келиб тўхтади. Ҳайдовчи ойнани тушириб:

– Машинага чиқинг! – деди.

Орка ўриндикқа ўтирган Барно ҳайдовчини таниди. Топшириқ берган йигит шу эди.

Машина силжиди.

– Топшириқни аъло даражада бажарибсиз, бошлиғимиз хурсанд бўлдилар! – деди бир оз юришгач.

– Бундай бўлишини кутмагандим, – деди Барно.

– Нима, уни сиз ўлдирмадингизми?

– Ярим тунда мазаси қочиб қолди. «Тезда уйдан чиқиб кет», – деб мени ҳайдаб юборди.

– Сиз уни қийнаган бўлсангиз керак-да?

– Ўша тун ҳоли жонимга қўймади.

– Очиғини айтинг, – қизиқди ҳайдовчи.

– Нимасини гапирай, – Барно хиринглаб кулди ва тундаги воқеани ошқора сўзлаб берди. – Сенинг адабингни берай деб хирсни кўзгатадиган доридан тўрттасини сувга аралаштириб ичириб юборгандим. Наша чеккан одамдай маст бўлиб, ёнимдан силжиёлмай қолди...

– Ҳунарингизга гап йўқ! Бундан ортиғи бўлиши мумкин эмас.

– Сиз ваъдангизни унутмадингизми? – бир оз жимликдан сўнг сўради Барно.

– Бизда гап битта бўлади! – ҳайдовчи тортмадан бир нечта доллар олиб, аёлнинг тиззасига қўйди. Барно пулни сумкасига жойлади.

– Биздан олган қарзингиз қанча бўлди?

– Нима, буниям қарзга ётқизмоқчимисиз?

– Буниси ваъда қилинган хизмат ҳақингиз, бироқ орамизда олди-бердимиз бор. Ҳисобли дўст айрилмас, деганлар, шунга сўраяпман-да!

Барнонинг қарзи эсида эди.

– Беш минг доллар!

– Раҳмат, унутмабсиз!

– Бошлиқ сўраяптими?



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/uz/asar/1526> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/1526> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/1526>